



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **22** yil « **15** » **oktabr**

№ **606**

Toshkent sh.

### **Республика ҳудудларида инновация ва инвестиция фаолиятини жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида**

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ижросини таъминлаш ҳамда иқтидорли ёшларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларни инновацион фаолиятга кенг жалб қилиш, улар учун замонавий шарт-шароитларга эга ўқув-ишлаб чиқариш комплексини яратиш ва олий таълим муассасаларида илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида:

**а) Нукус, Бухоро, Жиззах ва Наманган шаҳарларида Тошкент шаҳрида барпо этилган “Inno” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки (кейинги ўринларда – технопарк) шаклидаги технопаркларни 2023–2026 йилларда босқичма-босқич замонавий инфратузилмага эга ҳолатда барпо этиш;**

мазкур технопаркларда **8** та стартап акселератор, **4** та бизнес инкубатор, **4** та ишлаб чиқариш майдони, **12** та коворкинг маркази фаолиятини йўлга қўйиш;

ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджет маблағларини, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағларини молиялаштириш манбаи этиб белгилаш;

**б) Тошкент шаҳрида “Илғор лойиҳалар ва инжиниринг маркази”ни ташкил қилиш;**

**в) Сурхондарё вилоятида республика даражасидаги масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга “Инвесторларга кўмак маркази”ни ташкил этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Технопарклар фаолиятининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

технопаркда иқтидорли ёшларни, шу жумладан, барча олий таълим муассасалари талабалари, илмий ходимлари, профессор-ўқитувчилари таҳлилий фикрлаши, уларни инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, ташаббускор ёшларнинг ўз интеллектуал салоҳиятини намоён қилиши ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароитлар яратиш;

ёшларни инновацион тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида технопаркда бизнес-инкубаторлар ва тажриба майдончалари ишини ташкил этиш, уларнинг инновацион лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур инфратузилма, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, уларга молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа консалтинг хизматлари, шунингдек, акселерация дастурлари ва турли хизматлар кўрсатиш орқали кўмаклашиш;

ташаббускор ёшлар томонидан таклиф қилинган стартап лойиҳаларни ривожлантириш ва уларни ишлаб чиқаришда амалга ошириш учун ягона майдон ташкил этиш;

стартап лойиҳаларни амалга оширишда, шу жумладан, уларни тўлиқ ёки қисман молиялаштириш асосида қўллаб-қувватлаш ва муассислар таркибига кириш, рационализаторлик ва бошқа инновацион ташкилотларга прототипларни яратишга кўмаклашиш;

иқтидорли ёшларнинг лойиҳалари ривожланишига кўмаклашиш, шунингдек, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида мамлакатимиз ва етакчи чет эл компаниялари вакиллари, малакали мутахассислар ва экспертлар иштирокида тренинглар ва маҳорат дарслари, ўқув курсларини ташкил этиш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **“Inno” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

технопарк фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган тадбирларни амалга ошириш босқичлари;

технопарк бошқарув компаниясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

технопаркда истиқболли стартап лойиҳаларни кўриб чиқиш ва танлаб олиш тартиби;

стартап лойиҳаларнинг инкубация ва акселерация дастурларида иштирок этиш тартиби;

юридик шахсларни технопарк резидентлари сифатида рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқариш тартиби.

4. **2023–2026 йилларда Жиззах, Бухоро, Наманган ва Нукус шаҳарларида “Inno” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркларини босқичма-босқич ташкил этиш ва жойлаштириш режа-жадвали (кейинги ўринларда – режа-жадвал) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Белгилансинки, 2-иловага мувофиқ вилоятларда ташкил этилаётган худудий технопарклар дирекциялари ва уларнинг резидентларига “Inno” инновацион технопаркга берилган имтиёзлар ва преференциялар татбиқ этилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2023 йилдан бошлаб 2027 йилгача ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрларини шакллантиришда Жиззах, Бухоро, Наманган ва Нукус шаҳарларида инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркларини босқичма-босқич қуриш ва жиҳозлаш учун ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида асосланган ҳисоб-китобларига кўра ажратилишини кўзда тутсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Наманган ва Жиззах вилоятлари ҳокимликларига:

технопаркларни ташкил этиш ишларини режа-жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги ПФ–6243-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ–43-сон қарори талабларига асосан амалга ошириш;

худудларнинг бош режаси асосида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида янгидан қурилиши белгиланган объектлар учун режа-жадвалда кўрсатилган манзиллардан ер участкалари белгиланган тартибга қатъий амал қилган ҳолда давлат захирасига ўтказилгандан сўнг Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилишини таъминлаш;

ўз ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияларини Дастурда назарда тутилган объектлар бўйича буюртмачи этиб белгилаш;

технопарклар бино ва иншоотлари ўзига хос хусусиятга эга эканлигини инобатга олиб, лойиҳа ишларини ушбу соҳада тажрибага эга чет эллик соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга ошириш;

“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари тегишлича технопарклар бино ва иншоотларини қуриш, зарур моддий-техник база, асбоб-ускуна ва мебеллар билан жиҳозлаш, лойиҳа ишларини амалга ошириш ҳамда режа-жадвалга мувофиқ технопаркларни тўлиқ фойдаланишга топшириш вазифалари юклатилсин.

## 6. Белгилансинки:

режа-жадвалда кўрсатилган манзилларда технопаркларни ташкил этиш учун ер участкалари Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан технопаркларга ижара ҳуқуқи асосида ажратилиши таъминланади;

технопарк резидентларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПҚ–307-сон қарори билан берилган имтиёз ва преференциялар фақат резидентликка олиш ҳақидаги аризада кўрсатилган фаолият бўйича қўлланилади;

технопарклар Инновацион ривожланиш вазирлиги муассислигидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

технопарклар резиденти мақомини бериш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида комиссия ташкил этилади.

## 7. Технопарклар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган маблағлар;

бўш бўлган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар;

халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, шунингдек, бошқа хорижий донорларнинг грантлари;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

## 8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази (кейинги ўринларда – Инвестиция лойиҳалари маркази) тузилмасида Инвестиция лойиҳалари марказининг мавжуд штатлари доирасида 4 нафар штат бирлиги ажратилган ҳолда **Илғор лойиҳалар ва инжиниринг марказини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

## 9. Инвестиция лойиҳалари марказининг илғор лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва инжиниринг соҳасидаги қўшимча вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

илмий ва инновацион ишланмалар ҳамда ишлаб чиқаришнинг янада кенг интеграцияси орқали илғор инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш чораларини кўриш;

маҳаллий ва халқаро лойиҳа институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

сифатли лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича мутахассислар тайёрлашни кўзда тутиш;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари малакали ходимлари билан биргаликда саноат инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишдан бошлаб инвесторларни аниқлаб, амалга оширилгунга қадар ҳамроҳлик қилиш ва кузатиб бориш;

маҳаллий ва хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган иқтисодиёт тармоқларининг корхоналарини қуриш ва модернизациялаш бўйича тақдим этилган инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш.

#### 10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **бир ой муддатда:**

Инвестиция лойиҳалари марказининг янги таҳрирдаги низомини, янгиланган тузилмасини ишлаб чиқиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин ва Илғор лойиҳалар ва инжиниринг маркази ходимларининг функционал мажбуриятларини тасдиқласин;

Инвестиция лойиҳалари марказининг штат бирлигига янгидан киритилган лавозимларни юқори малакали кадрлар ва истиқболли ёш мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг инновацион ёндашув асосида барча даражадаги масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга, инвесторлар ва тадбиркорларга “Ягона дарча” тамойили асосида кўмаклашиб борадиган Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги **“Инвесторларга кўмак маркази”**ни (кейинги ўринларда – Кўмак маркази) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Белгилансинки, Кўмак маркази вилоят ҳокимлиги балансида турган Термиз шаҳар, Ю.Ражабий кўчаси, 16<sup>б</sup>-уй манзилидаги бинога ижара тўловининг “ноль” ставкаси асосида жойлаштирилади.

13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг юқори малакали ходимларидан иборат, таркиби ҳар ойда янгиланиб бориладиган **Ишчи гуруҳ ташкил этилсин.**

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда – Ҳукумат комиссияси) бир ҳафта муддатда Ишчи гуруҳ таркибини тасдиқласин. Ишчи гуруҳ Кўмак марказида фаолият юритиши белгилаб ўтилсин.

14. Қуйидагилар Кўмак марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

инвесторларнинг фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни ва бюрократик тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш;

лойиҳаларни амалга оширишда юзага келадиган муаммолар, жумладан, ер участкалари, бино, кредитлар ажратиш каби масалаларни ҳал қилиш бўйича зарур чоралар кўриш;

инвесторларга давлат хизматлари, рухсат берувчи ҳужжатлар, жумладан, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, қурилиш ишларини амалга оширишга доир ҳужжатларни олишда кўмаклашиш;

тадбиркорларга лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида тадбиркорлик фаолиятини ва экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармалари ҳисобидан олинадиган имтиёзлардан фойдаланишда кўмаклашиш;

инвесторларга давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари билан самарали ўзаро ҳамкорлик қилишда ёрдам бериш;

инвесторларга ҳуқуқий масалалар бўйича малакали ёрдам олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда кўмаклашиш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг технологик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда маркетинг тадқиқотларини ўтказиб, “тадбиркордан – экспортчигача” тамойили асосида экспорт салоҳиятини ошириш чораларини кўриш;

экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатларни “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали расмийлаштиришда кўмаклашиш.

#### 15. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

а) икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Кўмак маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом лойиҳаси ҳамда тузилмасини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун Ҳукумат комиссиясига киритсин:

аниқ йўналишлар бўйича Кўмак марказининг функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш механизмлари;

“Ягона давлат хизматлари портали” билан интеграциялашган ҳолда инвесторлар учун инклюзив давлат хизматларини “онлайн” ва “офлайн” шаклда кўрсатиш ҳамда доимий фаолият кўрсатувчи “Call-маркази”ни ташкил этиш;

инвесторларни ва бошқа манбаларни жалб қилган ҳолда унинг фаолиятини молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш;

Кўмак маркази фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси таркибини шакллантириш ва унинг вазифаларини белгилаш.

б) Кўмак маркази фаолиятини ташкил этиш учун зарур мебель ва техник жиҳозлар билан таъминласин;

в) тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда Ишчи гуруҳ таркибини шакллантирсин ҳамда белгиланган тартибда Термиз шаҳрига хизмат сафарига юборилишини ташкил этсин;

г) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Кўмак марказини белгиланган тартибда зарур бўлган алоқа турлари ва воситалари билан таъминласин, шунингдек, кенг қамровли интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратиб берсин.

16. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Ходжаев, инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “15” октябрдаги 606-сон қарорига  
1-илова

## **“Inno” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги “Inno” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркининг (кейинги ўринларда – технопарк) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини, юридик шахсларни резидент сифатида рўйхатдан ўтказишни, резидентлар учун солиқ ва божхона имтиёзларини, улар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича ходимлар томонидан солиқ имтиёзларининг қўлланилишини, шунингдек, стартап лойиҳаларни танлаб олиш тартибини белгилайди.

2. Технопарк Инновацион ривожланиш вазирлигининг (кейинги ўринларда – вазирлик) таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва унинг тизимига киради.

Вазирлик технопарк фаолиятини мувофиқлаштиради ва унга умумий раҳбарликни амалга оширади, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради, ходимларининг малакасини оширишни ташкил этади.

3. Технопарк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирликнинг буйруқларига, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Технопарк масъулияти чекланган жамият шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида талаб қилиб олинadиган миллий ва хорижий валютадаги депозит ҳисобварақларига, Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

Инновацион фаолият билан шуғулланadиган ташкилотларга лаборатория асбоб-ускуналарини, ишлаб чиқариш, офис хоналарини ва бошқа хоналарни ижарага беришдан тушадиган маблағлар тўлиқ технопаркда қолади.

5. Технопарк инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки ҳисобланади, давлат ҳокимияти органлари, олий таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилувчи, тадбиркорлик, инвестиция фаолиятини ва илмий фаолиятни юритиш мақсадида замонавий технологик ва ташкилий муҳитни шакллантирувчи илм-фан ва таълимнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлари, молия институтлари ва тадбиркорларнинг интеграциялашуви шакли ҳисобланади.



6. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**илмий-тадқиқот ишлари** (кейинги ўринларда – R&D) – илм-фан ва технологияни ривожлантиришга имкон берадиган янги билимларни олиш ёки мавжуд маълумотлардан фойдаланган ҳолда янги асбоб-ускуналар, маҳсулотлар ва воситаларни яратиш, янги тизимлар, жараёнлар ва хизматларни яратиш, шу жумладан, дастурий таъминот ишлаб чиқариш ёки уларни такомиллаштириш мақсадида мунтазам равишда амалга ошириладиган тадбирларни назарда тутати;

**тадқиқотчи** – камида бакалавр даражасига эга бўлган, янги маълумотлар, маҳсулотлар, жараёнлар, усуллар ва тизимларни лойиҳалаш ёки яратишда, шунингдек тегишли лойиҳаларни бошқаришда иштирок этадиган, илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларда иштирок этувчи мутахассислар;

**техник ходим** – камида ўрта махсус маълумотга эга бўлган бошқарув ходимлари фаолиятига техник хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни таъминлаш ишларини бажарувчи мутахассис;

**илмий-тадқиқот ишлари ходимлари (R&D Personnel)** – ўз мутахассислиги бўйича камида бакалавр даражасига эга бўлган тажрибали ходимлар ва илмий-тадқиқот ишларида ишлайдиган малакали ёрдамчи ходимлар, шунингдек, режалаштириш ва бошқариш, мониторинг ва баҳолаш ва илмий-техникавий жиҳатларни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланадиган ходимлар;

**инновацион лойиҳа** – янги ишланмалар яратиш учун бажариш муддатларини, ижрочиларни, молиялаштириш манбаларини ва тегишли инфратузилмани шакллантиришни назарда тутувчи тадбирлар мажмуи;

**инкубация маркази (инкубатор)** – тадбиркорларга офис хизматларини кўрсатувчи, асбоб-ускуналарни қўллаб-қувватлаш, бошқарувни қўллаб-қувватлаш, молиявий ресурслардан фойдаланиш, муҳим бизнес ва техник ёрдам хизматларини кўрсатадиган ва айниқса янги бизнесни ривожлантиришга қаратилган тузилмаларни англатади;

**ариза берувчи** – технопаркнинг офис, мажлислар зали, ишлаб чиқариш майдони, акселерация дастури, инкубация маркази каби хизматларидан фойдаланишга ва резидент мақомини олишга талабгорлик қилувчи технопаркка мурожаат қилган стартап, кичик бизнес корхоналари;

**технопарк резиденти** – белгиланган тартибда технопаркда рўйхатдан ўтказилган ва резидентларнинг ягона реестрига киритилган юридик шахс;

**ментор** – стартап лойиҳани ривожлантириш мақсадида уни ўз билими ва тажрибаси билан қўллаб-қувватлайдиган маслаҳатчи;

**стартап лойиҳа** – амалга ошириш хавфи юқори бўлган шароитда янги маҳсулот ёки хизмат турини яратувчи инновацион ишланмаларнинг қўлланилиши, кўлами ва тез ўсиш суръати билан фарқланадиган янги бизнес лойиҳа;

**инновация** – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма;

**ишончли бошқарув** – масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) шаклида ташкил этилган ва шартнома асосида муайян муддатга технопарк фаолиятни бошқариш, мониторинг қилиш учун масъул бўлган компания;

**эксперт комиссияси** – резидент мақомини олиш учун ариза берган юридик шахслар ва резидентларнинг бизнес-режаларини таҳлил қилиш мақсадида малакали мутахассислардан ташкил этиладиган орган. Эксперт комиссияси иш тартиби ишончли бошқарув компанияси (кейинги ўринларда – бошқарув компанияси) томонидан белгиланади, таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

**технологиялар трансфери офиси** (кейинги ўринларда – офис) – интеллектуал мулк ҳуқуқларини ривожлантириш, ҳимоя қилиш, сотиш ва интеллектуал мулк объектларини сотишдан тушган даромадларни бошқариш, шунингдек, ахборотлаштириш, мувофиқлаштириш, тадқиқотларни йўналтириш, янги объектлар ташкил этилишини рағбатлантириш фаолиятини амалга оширадиган, технологиялар трансфери бўйича тегишли корхоналар билан ҳамкорликни таъминлашни амалга оширадиган тузилма;

**акселерация дастури** – менторлар ва бозор экспертларини ташкилий ва маслаҳат билан қўллаб-қувватлаган ҳолда тест синовидан ўтказиш ва бизнес-моделини ишлаб чиқиш йўли билан стартап лойиҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган дастур;

**инновацион маҳсулот** – ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва турмуш даражасини ошириш учун илмий ва технологик тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда малакали ишчи кучи томонидан яратилган юқори қўшимча қийматга эга ва рақобатбардош маҳсулот;

**резидентларнинг ягона реестри** – ушбу Низомга мувофиқ технопаркда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар рўйхати мавжуд бўлган очик ва умумфойдаланиладиган ахборот ресурси;

**веб-портал** – технопарк резиденти мақомини олиш учун юридик шахслардан ҳужжатлар қабул қилиш, бошқарув компанияси ва унинг резидентлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, улардан ҳисоботлар, хулосалар, бизнес-режалар ва бошқаларни қабул қилиш учун мўлжалланган технопаркнинг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтидаги бўлими. Веб-порталнинг ишлаш тартиби бошқарув компанияси томонидан белгиланади.

## **2-боб. Технопаркнинг асосий вазифалари ва функциялари**

### **7. Технопаркнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:**

ҳудудларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ва технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари билан ҳамкорликда ёшларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини ошириш;

ҳудудларда ёшларнинг таҳлилий фикрлаш, уларни илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, иқтидорли ёшлар, ташаббускор фуқароларнинг ўз интеллектуал салоҳиятини намоён қилиши ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароитлар яратиш;

ташаббускор фуқароларнинг стартап лойиҳаларини ривожлантириш ва уларни амалга ошириш учун ягона майдон ташкил этиш орқали ҳудудларнинг инновацион салоҳиятини ошириш;

замонавий талабларга жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, ҳудудларни сифатли, юқори технологияли маҳсулотлар ва хизматлар билан таъминлаш мақсадида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш;

иқтидорли ёшларнинг ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий марказлари, университетлари, технопарклари ва ишлаб чиқариш ташкилотларида малака оширишга кўмаклашиш;

етақчи компаниялар вакиллари, малакали мутахассислар ва экспертлар иштироқида тренинглар ва маҳорат дарслари ўтказиш, шунингдек, ёшларда амалий кўникмаларни шакллантириш ва ишлаб чиқарувчилар билан инновацион алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида илмий-техник конференция, семинар, ўқув курслари ва тренинглар ташкил этиш;

иқтидорли ёшлар ва ташаббускор фуқаролар томонидан таклиф этилган долзарб йўналишлар бўйича лойиҳаларни саралаш ҳамда вазирлик томонидан мавзуга оид илмий грантлар бериш юзасидан эълон қилиб бориладиган танловларга йўналтириш;

илмий-техник, инновацион ҳамда стартап лойиҳаларни амалиётга жорий этиш мақсадида иқтисодиёт тармоқларини жалб қилиш.

### **8. Технопарк ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:**

технопарк резиденти мақомини олиш учун юридик ва жисмоний шахслардан тушадиган аризалар қабул қилинишини ташкил этиш;

вазирликнинг қарорига асосан резидентларни рўйхатдан ўтказиш ва уларни резидентлар реестрига киритиш, технопарк резиденти мақоми берилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш;

белгиланган тартибда резидентлар реестрини юритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Наманган, ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари томонидан технопаркка берилган бино ва иншоотларни берилган ваколатлар доирасида оператив бошқариш;

резидентлар маҳсулотларини кўргазмаларда намоиш этишда кўмаклашиш, шунингдек, вазирлик қарорлари асосида таълим дастурлари ва тренинглар ташкил этиш;

тадқиқотлар ва ишланмаларни тижоратлаштиришга мўлжалланган кичик инновацион корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантиришга, шунингдек, бошловчи тадбиркорларга инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

иқтидорли ёшлар ва ташаббускор фуқаролар томонидан таклиф этилган долзарб йўналишлар бўйича сараланган лойиҳаларни тегишли танловларда иштирок этишида кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш;

олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларини, илмий ташкилотлар ходимларини, алоҳида олимлар ва мутахассисларни инновацион тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш, уларнинг ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

технопарк резидентларига кенг кўламли хизматлар кўрсатиш, шунингдек технопарк резидентларига илмий-техник тадқиқотлар, ишланмалар ва ихтиролар натижаларини илгари суришда кўмаклашиш;

инновацион менежмент ва инновациялар маркетинги соҳасида тадбиркорлар ва мутахассисларни ўқитишни ва тайёрлашни ташкил этиш, уларнинг касбий, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқарув билимлари даражасини ошириш;

стартап лойиҳаларни ривожлантириш ва амалга ошириш учун мўлжалланган ягона майдонни ташкил этиш;

илмталаб технологиялар ва рақобатбардош маҳсулотлар яратишга йўналтирилган илмий-техник лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқилишига ва уларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ нуфузли илмий марказлар, университетлар, технопарклар ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан халқаро илмий-техник ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга ошириш;

технопарк резидентларига тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш учун лаборатория, экспериментал-ишлаб чиқариш майдонларини, асбоб-ускуналарни жамоавий фойдаланишга бериш;

технопарк фаолиятининг асосий йўналишлари ва функцияларига, шунингдек, вазирлик қарорларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

### **3-боб. Технопарк фаолиятини ташкил этиш**

9. Бошқарув компаниясига “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган директор бошчилик қилади.

Бошқарув компанияси директори ваколатлари ва муддати технопарк уставида белгиланади.

Директор технопаркка юкланган функциялар ва вазифалар амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради ва вазирликнинг сўрови бўйича технопарк ва бошқарув компанияси фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим қилади.

10. Бошқарув компанияси қуйидаги мажбуриятларга эга:

технопаркда иқтидорли ёшларни, шу жумладан, барча олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалари, илмий ходимларини таҳлилий фикрлаш ҳамда дарсдан бўш вақтларида инновацион ва рационализаторлик фаолияти билан кенг шуғулланишлари, ташаббускор ёшлар, инноваторлар ҳамда рационализаторлар ўз интеллектуал салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

бизнес-инкубатор ва акселератор фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда танловлар ташкил қилиш, стартапларни тижоратлаштиришга етказиш, технологиялар трансфери лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур инфратузилма ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳамда кўмаклашиш;

юридик шахслар ва лойиҳа ташаббускорлари томонидан тақдим этилган бизнес-режалар экспертларни (илмий ва бошқа ташкилотлар, олимлар ва мутахассисларни) жалб қилиш орқали экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;

ташаббускор ёшлар томонидан таклиф қилинган стартап, технологиялар трансфери, тижоратлаштиришга тайёрлаш ва тижоратлаштиришга йўналтирилган лойиҳаларни ривожлантириш ва уларни ишлаб чиқаришда амалга ошириш учун тажриба майдончалари ишини ташкил этиш;

стартап, технологиялар трансфери, тижоратлаштиришга тайёрлаш ва тижоратлаштиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишда, шу жумладан, венчур молиялаштириш асосида қўллаб-қувватлаш, рационализаторлик ва кичик корхоналарга прототипларни яратишга кўмаклашиш;

иқтидорли ёшлар, инноваторлар ҳамда рационализаторларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида чет элнинг етакчи олий таълим муассасаларининг инновацион менежмент таълим дастурларига мувофиқ малакали мутахассислар ва экспертлар иштирокида тренинглар ва маҳорат дарслари, ўқув курсларини ташкил этиш;

ишланмаларни инновацияларга айлантириш ёки инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳаларини самарали амалга ошириш ва тижоратлаштиришга тайёрлаш мақсадида инновациялар жорий этилишига хизмат кўрсатувчи инновацион корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш;

технопаркка юридик шахсларни танлов асосида резидентликка қабул қилиш ва уларни технопарк ҳудудида жойлаштириш;

инновацион ишланмаларни патентлаш ва лицензиялашга кўмаклашиш;

технопарк резидентларига инновация жараёни барча босқичларида молиялаштиришни, шу жумладан, тижорат банкларининг, халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг, венчур фондларнинг молиявий ресурсларини ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағларни жалб этишда кўмаклашиш;

ҳар йили стартап лойиҳалар танловини эълон қилиш, эксперт гуруҳи ташкил қилган ҳолда кўриб чиқиш, танлаб олиш ва танланган лойиҳаларни “Бўлажак олим” танлови доирасида ажратиладиган маблағларнинг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдори доирасида молиялаштириш учун вазирлик ҳайъатига йўналтириш;

халқаро ҳамкорликни ва хорижий инновацион технопарклар билан тажриба алмашишини амалга ошириш, технопаркни ривожлантириш учун хорижий мутахассисларни жалб этиш;

резидентларнинг иш фаолиятини баҳолаш мезонларини (KPI) ишлаб чиқиш ва ҳар чоракда уларнинг рейтингини ишлаб чиқиб, натижаларга кўра юқори кўрсаткичга эга резидентларни қўшимча рағбатлантириш ёки паст кўрсаткичга эга резидентларни технопаркдан четлаштириш чораларини кўриш;

резидентлар маҳсулотларини халқаро кўرғазмаларда намойиш этиш ҳамда тармоқ корхоналарига татбиқ этишда, шунингдек хорижий бозорларда тарғиб этишда кўмаклашиш.

#### 11. Бошқарув компанияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

технопарк номидан инвесторлар, жамғармалар ва бошқа хорижий/маҳаллий ташкилотлар билан инвестицион битимлар тузиш;

шартнома асосида хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, консалтинг, муҳандислик, таълим, сервис, юридик, маркетинг, савдо-маиший, молиявий ва қонунчиликда тақиқланмаган хизматларнинг бошқа турларини, шунингдек, лойиҳаларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида хизмат кўрсатиш;

илмий, инновацион тижоратлаштиришда, стартап лойиҳаларни амалга оширишда ҳамда технологияларни трансфер қилишда шерик сифатида шериклик шартномасида белгиланган шартлар асосида қатнашиш, юридик шахс ташкил этиш ёки бошқа юридик шахснинг устав фондида муассис сифатида белгиланган шартлар асосида иштирок этиш;

технопарк резидентлари ва бошқа хўжалик субъектларига инновация маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хорижий ва маҳаллий технологияларнинг трансфер қилиниш орқали юқори технологияли ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш;

технопарк оператив бошқарувидаги берилган асбоб-ускуналарни, лаборатория, экспериментал-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш майдонларини, офис, омборхона, ўқув биноларини, конференц-заллар, аудиториялар ва бошқа хоналарни шартнома асосида ижарага бериш;

виртуал офис, учрашув хоналари, коворкинг, тадбир хоналарини ойлик, кунлик ёки соатлик ижарага бериш;

технопарк резидентларидан коммунал ва қўшимча хизматлар учун хизматлар (электр энергияси, сув, газ, умумий фойдаланиш майдони, чиқинди сув, иситиш ва вентиляция, интернет хизмати ва ҳ.к.) учун тўловларни талаб қилиш;

тадбиркорлар томонидан ижарага олинган барча биноларни ёнгин, табиий офатлар ва бошқа хавфлардан суғурта қилиш;

инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва технопарк резидентлари томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг тўғри бажарилишини мониторинг қилиш, натижаларини вазирликка киритиш;

технопаркда резидентлар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланганда, уларга огоҳлантириш бериш ёки уларни резидентлик мақомидан маҳрум қилиш;

инвесторлар ёки резидентлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, технопарк резидентлари билан тузилган инновация лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги шартномаларни бекор қилиш юзасидан судга даъво аризалари билан мурожаат қилиш;

тадқиқотчилар, дастурий таъминотни ишлаб чиқувчилар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича ходимларнинг лойиҳалардаги лавозим тавсифлари, ходимларнинг малакаси, технопаркининг, резидентлари маълумотларини архивлаш ва сўралганда тегишли давлат бўлинмаларига/шахсларга ҳисобот бериш;

технопаркда резидентларнинг эҳтиёжларига кўра ўзлари сотиб олиши ёки амалга ошириши молиявий ва технологик жиҳатдан имконсиз бўлган ишлаб чиқариш мосламалари, синов ва назорат асбоблари, машина ва ускуналарни сотиб олиш ёки ижарага бериш;

технопарк фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатиладиган хизматларнинг турини ошириш мақсадида инфратузилмага тегишли ўзгартириш киритиш;

вазирлик томонидан молиялаштириладиган (pre-seed funding, funding) лойиҳаларнинг акселерация ва инкубация дастурларини ташкил қилиш;

технопарк ваколатига тегишли масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан ва бошқа ташкилотлардан ҳужжатлар, статистик маълумотлар, ҳисоботлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотни сўраш ва олиш;

технологиялар трансферини яхшилаш ва ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, хорижий ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш ҳамда технопарк ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда қонунчиликка мувофиқ халқаро шартномаларни тузиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этиш;

илмий, инновацион ва стартап лойиҳаларни тижоратлаштиришда ҳамда илғор технологияларни трансфер қилишда шерик сифатида шериклик шартномасида белгиланган шартлар асосида қатнашиш;

кадрлар тайёрлаш борасида кўшма таълим дастурларини амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;

интеллектуал мулк объектлари муаллифлари билан амалдаги қонунчиликда назарда тутилган шартномаларни тайёрлаш, тузиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

резидентларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб уларнинг ҳисобидан мавжуд инфратузилмага ўзгартириш киритиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

вазирлик томонидан бирламчи молиялаштирилган (pre-seed, seed funding) лойиҳаларни акселерация дастуридан ўтказиш ва бирламчи молиялаштириш учун лойиҳаларни тақдим этиш.

Технопарк қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **4-боб. Стартап лойиҳаларни кўриб чиқиш ва танлаб олиш тартиби**

12. Стартап лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш жараёни ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича ташкил этилади.

13. Саралашда иштирок этиш учун ариза берувчи – стартап-лойиҳа ташаббускори аризани технопаркка (шахсан ўзи келиб, почта алоқаси орқали, электрон почта орқали ёки технопаркнинг расмий веб-сайти орқали) ташкилот гувоҳномасини (жисмоний шахс бўлган тақдирда лойиҳа ташаббускори паспорти/ID карта нусхаси), лойиҳа бизнес-режаси, лойиҳа паспорти, лойиҳа аннотацияси ва тақдимот материалларини тақдим этади.



Бизнес-режа, лойиҳа паспорти, лойиҳа аннотацияси ва тақдимот материалларида келтирилган маълумотлар аниқ ҳисоб-китобларга асосланганлиги ва тўғрилигини текшириш мақсадида лойиҳа доирасида бошқарув компанияси ариза берувчидан қўшимча маълумот талаб қилишга ҳақли.

Ариза берувчи тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

14. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низомнинг 23-бандида белгиланган мезонларга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва ўрганиш мақсадида технопаркда инкубация ва акселерация дастурларига қабул қилиш учун стартап-лойиҳаларни кўриб чиқиш ва баҳолаш бўйича Эксперт комиссияси ташкил этилади.

Стартап-лойиҳалар бўйича қабул қилинган буюртманомаларни кўриб чиқиш 10 иш куни мобайнида амалга оширилади. Инкубация ёки акселерация дастурига қабул қилиш бўйича қарор Эксперт комиссияси хулосасига асосан бошқарув компанияси томонидан қабул қилинади.

15. Бошқарув компанияси стартап-лойиҳани инкубация ёки акселерация дастурига қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида узил-кесил қарорга келиш мақсадида ариза берувчини ўз стартап-лойиҳаси тақдимотини ўтказиш учун таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

16. Бошқарув компанияси ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган зарур ҳужжатларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади ва таҳлил қилади ҳамда ушбу Низомнинг 23-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқлиги бўйича танлаб олиш ва баҳолашни ташкил қилади.

17. Эксперт комиссияси ўрганиб чиқиш натижаларига кўра стартап-лойиҳани инкубация ёки акселерация дастурига қабул қилиш ёхуд рад этиш ҳақида коллегиял қарорни қабул қилади.

18. Эксперт комиссияси хулосаси баённома билан расмийлаштирилади ҳамда Комиссиянинг раиси томонидан тасдиқланади.

19. Стартап лойиҳани қабул қилиш рад этилган тақдирда, бошқарув компанияси рад этиш асослари келтирилган ёзма хабарни ариза берувчига жўнатади.

20. Стартап лойиҳани қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бошқарув компанияси билан стартап лойиҳа ташаббускори ўртасида стартап-лойиҳанинг инкубация ёки акселерация дастурида иштирок этиш бўйича битим тузилади.

Бошқарув компанияси стартап лойиҳа ташаббускорининг прототипи мавжуд, инвестиция жалб этишга тайёр лойиҳаларини акселерация ёки инкубация дастурида иштирок этмасдан тўғридан-тўғри ташкилот ташкил этиб технопарк резиденти сифатида қабул қилишга ҳақли.

21. Бошқарув компанияси акселерация дастурлари якунига кўра кейинчалик молиялаштириш учун маҳсулотлар (хизматлар) намойишини (намойиш кунини) ташкил қилади. Намойиш якунларига кўра молиялаштириш учун ариза тайёрланади ва вазирликка юборилади.

22. Такдим этилган лойиҳалар вазирликнинг ҳайъати томонидан кўриб чиқилади ва ижобий баҳо берилган тақдирда, “Бўлажак олим” ва бошқа танловлар доирасида молиялаштирилади.

### **5-боб. Стартап лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолаш мезонлари**

23. Эксперт комиссияси ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганади ва стартап-лойиҳаларни қуйидаги мезонлар асосида танлаб олади:

таклиф қилинаётган стартап-лойиҳанинг долзарблиги – лойиҳада ёритилган ғоянинг замонавий муаммо ва масалаларни ҳал этишдаги аҳамияти баҳоланиши;

стартап лойиҳанинг инновацион йўналтирилганлиги ва ғоясининг янгилиги – лойиҳа янги, такомиллаштирилган, илгари республикада қўлланилмаган технологиялар ва (ёки) принципларни қўллаш, шунингдек, янги, республикада илгари ишлаб чиқарилмаган маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳамда янги хизмат жорий этилиши мўлжалланиши;

стартап лойиҳанинг натижаларга эришиш имкониятларини баҳолаш – лойиҳада баён қилинган натижаларга эришишга қаратилган масалаларни ҳал этиш учун таклиф этилаётган усуллар ва йўлларнинг мавжудлиги, асосланганлиги ҳамда етарли эканлиги баҳоланиши;

бозорда маҳсулот ёки хизматга бўлган талабнинг мавжудлигини баҳолаш – маҳсулот ёки хизматнинг бозор талаби ҳамда тижорат истиқболлари баҳоланиши;

стартап лойиҳанинг тижоратлаштирилиши истиқболлари – келажакдаги маҳсулот татбиқ этилиш ва бозорга чиқиш истиқболига эга бўлиши, муайян истеъмолчига нисбатан қўлланилиши;

лойиҳанинг салоҳиятли рақобат афзалликларини баҳолаш – истеъмолчи учун маҳсулот/технологиянинг унинг амалдаги аналогларига нисбатан устунликлари мавжудлиги каби муҳим хусусиятлари баҳоланиши;

лойиҳанинг инвестицион жозибадорлиги – кўшимча фойда келтирадиган ва инвестицияларни қопламаслик хавфини камайтирадиган қулай инвестиция ва инновацион шартлар ҳамда афзалликлар жамланмаси;

лойиҳа мавзусининг мамлакат фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги;

номзод томонидан такдим этилган лойиҳани амалга ошириш календарь иш режасининг пухта ишлаб чиқилганлиги;

лойиҳани амалга ошириш учун талаб этиладиган харажатларнинг асосланганлиги;

лойиҳани амалга оширишда атроф муҳитга салбий таъсир мавжуд эмаслиги;

лойиҳани амалга оширишда жамоа аъзоларининг сони ҳамда уларнинг салоҳияти етарлилиги ва талаб этилган маблағлар асосланганлиги;

лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги – лойиҳани амалга оширишнинг молиявий натижаларини бевосита иштирокчилар учун ҳисобга ҳолда иқтисодий самарадорлик, шунингдек, лойиҳани амалга оширишнинг молиявий оқибатларини акс эттирувчи бюджет самарадорлиги.

#### **6-боб. Стартап лойиҳаларнинг инкубация ва акселерация дастурларида иштирок этиш тартиби**

24. Стартап лойиҳанинг прототипи мавжудлиги, инвестиция жалб этишга тайёрлигига қараб инкубация ва акселерация дастурларида иштирок этиши тартиби бошқарув компанияси томонидан кўриб чиқилади.

25. Бошқарув компанияси билан стартап лойиҳа ташаббускори ўртасида тузилган стартап лойиҳанинг инкубация ёки акселерация дастурида иштирок этиши бўйича битимга мувофиқ қабул қилинган мажбуриятлар ва ушбу Низомда белгиланган талаблар бажарилмаганда бошқарув компанияси Эксперт комиссиясининг қарори асосида стартап лойиҳани амалга оширишни рад қилиш ҳуқуқига эга.

26. Алоҳида стартап лойиҳа учун менторлар стартап лойиҳа тақдим этилган соҳа бўйича иш тажрибасига ва маслаҳат бера олиш тажрибасига эга малакали мутахассислардан танланади.

27. Менторлар стартап лойиҳа ташаббускори ва менторлар ўртасидаги шартнома шартларига асосан стартап-лойиҳани амалга оширишдан молиявий манфаатдор бўлишлари мумкин.

#### **7-боб. Стартап лойиҳаларни молиялаштириш тартиби**

28. Стартап лойиҳаларни молиялаштириш “Бўлажак олим” танлови мезон ва тартиби асосида, ушбу танловга ажратиладиган маблағлар доирасида технопарк томонидан амалга оширилади.

29. Стартап лойиҳани амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиш бошқарув компанияси ва стартап лойиҳа ташаббускори томонидан имзоланган шартномага асосан ишлаш учун хоналар ва ускуналар ажратиш, юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш ва бошқалар, консалтинг хизматлари кўрсатиш ёки юридик шахс – стартап лойиҳа ташаббускори ҳисоб рақамига мақсадли пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

30. Стартап лойиҳани молиялаштириш венчур молиялаштиришни ўз ичига олади, бунда бошқарув компанияси стартап лойиҳа муассислари таркибига киради. Бошқарув компанияси ҳиссаси, улушларни тақсимлаш тартиби бошқарув компанияси ва стартап лойиҳа ташаббускори ўртасида стартап лойиҳани молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш шартлари тўғрисидаги шартномада белгиланади.

Бошқарув компанияси ва стартап лойиҳа ташаббускори ўзаро ҳамкорликнинг кейинги босқичларини, ўзаро ҳисоб-китоб шартларини ҳамда бошқарув компаниясининг стартап-лойиҳа ташаббускори томонидан таъсис этилган юридик шахснинг муассислари таркибидан чиқиши тартибини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда белгилайдир.

31. Вазирлик ҳайъатининг ижобий хулосаси стартап лойиҳани молиялаштириш учун асос бўлади.

### **8-боб. Юридик шахсларни технопарк резидентлари сифатида рўйхатдан ўтказиш тартиби**

32. Технопарк бошқарув компаниясининг резидентларни рўйхатга олиш бўйича ишларини ташкил этиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

33. Ўзбекистон Республикаси фуқоролари (жисмоний шахслар), республика ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, кичик тадбиркорлик субъектига мансуб юридик шахслар технопарк резиденти мақомини олишга талабгор бўлиши мумкин.

Технопарк резидентлари сони чекланмаган.

Технопаркнинг экстерриториаллиги республика доирасида назарда тутилади, бунда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг илмий, технологик ва иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ҳисобга олиниб, унинг резидентлари республиканинг барча ҳудудларида жойлаштирилади.

Технопарк резиденти мақоми талабгорларни танлаб олиш натижаларига кўра бошқарув компанияси қарорига биноан йиллик ҳисобот натижаларига кўра уч йил муддатгача берилади.

Бошқарув компанияси технопарк резидентини рўйхатдан ўтказиш, резидентлар реестрига киритади ва гувоҳнома беради.

Технопарк резидентлари бошқарув компанияси билан тузилган шартнома бўйича инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун жавобгардирлар.

Технопарк резиденти ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа шахсга беришга ҳақли эмас, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

34. Юридик шахслар технопарк резиденти мақомини олиш учун қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлишлари керак:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳамда кичик тадбиркорлик субъектига мансублиги;

б) инновацион лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида банк ҳисобварағи мавжудлиги;

в) иқтисодий асосланган бизнес-режаларга эга бўлиш. Бизнес-режада инновацион лойиҳани амалга ошириш бўйича аниқ тадбирлар, хизматларни сотиш учун мўлжалланган хизмат турлари ва уларнинг ҳажми, уларни амалга ошириш зарурлиги асосланиши, таклиф этилаётган лойиҳанинг монетизация модели, режалаштирилаётган молиявий-иқтисодий фаолият натижалари кўрсатилади. Бизнес-режанинг шакли, унга бўлган талаблар ҳамда лойиҳаларни баҳолаш учун тўлов қиймати бошқарув компанияси томонидан тасдиқланади.

35. Технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтиш учун ариза берувчи веб-портал орқали ёки тўғридан-тўғри қоғоз шаклида технопаркнинг резиденти сифатида амалга ошириш таклиф этилаётган бизнес-режани илова қилган ҳолда ариза беради. Ариза берувчи тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги учун жавобгардир. Зарур ҳолларда лойиҳа доирасида бошқарув компанияси ариза берувчидан қўшимча маълумот талаб қилишга ҳақли.

Ариза берувчининг тақдим этган ҳужжатларида ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларининг талабларига номувофиқликлар аниқланган ҳолатларда ариза берувчи беш иш кунида ундаги камчиликларни бартараф этиб, қайта тақдим қилиши мумкин. Мазкур муддатда ариза берувчи томонидан номувофиқликлар бартараф этилмаса, бошқарув компанияси аризани қабул қилишни рад этишга ҳақли.

Юридик шахснинг барча зарур шаклларни веб-порталда тўлдирганидан сўнг ариза бериши, технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги шартнома (кейинги ўринларда – шартнома) тузилишига розилик бериши ҳисобланади.

36. Бизнес-режаларнинг техник ва илмий экспертизасини, лойиҳани амалга ошириш имкониятлари, тармоқ ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришда технопарк резиденти сифатида юридик шахс томонидан жорий қилиниши таклиф этилаётган лойиҳанинг инновацион ва оммабоплиги бўйича экспертизадан ўтказиш мақсадида топширилган ариза ва ҳужжатлар Эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Эксперт комиссияси талаб қилинаётган ҳужжатларнинг мавжудлиги ва танлаб олиш мезонларига мувофиқлиги текширилган ва барча талаблар бажарилгандан сўнг бизнес-режа тақдимотини ўтказиш учун ариза берувчини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Эксперт комиссияси бизнес-режа экспертизасини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказди.

Эксперт комиссияси экспертиза натижаларига кўра тақдим этилган бизнес-режанинг талабларга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

37. Бошқарув компанияси тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда ариза берувчини технопаркнинг резиденти сифатида рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

38. Қуйидагилар ариза берувчини технопарк резиденти сифатида рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

Эксперт комиссияси ҳулосасига кўра ариза берувчи фаолияти маънавий эскирган, истиқболи йўқ ёки аҳамияти катта бўлмаган деб топилиши;

амалга оширилиши тақлиф этилган бизнес-режанинг технопарк фаолияти йўналишларига мос келмаслиги ёки уни жорий қилиш белгиланган фаолият йўналишлари ташқарисига чиқиб кетиши;

юридик шахс ёки унинг бошқарув органи билан боғлиқ шахсларнинг технопарк олдида технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги олдинги шартномалар бўйича бажарилмаган мажбуриятларининг мавжудлиги.

Рад этишнинг асоси бошқарув компаниясининг ариза берувчини технопарк резиденти сифатида рўйхатга олишни рад этиш тўғрисидаги қарорида кўрсатилади, ариза берувчига ушбу қарордан кўчирма тақдим этилади.

39. Юридик шахсни технопарк резиденти сифатида рўйхатга олишни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар ариза берувчи томонидан бартараф этилган тақдирда, ариза ва бошқа ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ушбу Низомнинг 35 ва 36-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

40. Юридик шахсни технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниши юридик шахснинг технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги шартномага розилигини англатади.

Шартноманинг шакли бошқарув компанияси томонидан тасдиқланади, технопаркнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ҳамда оммавий оферта шаклига мувофиқ бўлади.

Резидент ўз қароридан воз кечган тақдирда, бошқарув компаниясини ёзма равишда хабардор қилади.

41. Технопарк резиденти мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин бошқарув компанияси уч иш куни ичида:

юридик шахснинг номи, фаолияти тури, почта ва электрон манзиллари кўрсатилган ҳолда резидентларнинг ягона реестрига юридик шахс рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги тегишли ёзувни киритади;

юридик шахсга технопарк резиденти сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома беради;

Давлат солиқ кўмитасига ва Давлат божхона кўмитасига, юридик шахсга хизмат кўрсатадиган тижорат банкига юридик шахс технопарк резиденти сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида расмий билдиришнома юборади.

42. Технопарк резиденти мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин бошқарув компанияси қарорига кўра технопарк харажатларини қоплаш мақсадида технопарк резидентларининг фаолиятдан тушадиган соф тушумнинг 2 фоизигача миқдордаги ҳар чораклик ажратмалар технопаркка ажратилади.

43. Юридик шахс ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилганда технопарк резиденти мақоми давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб барча ҳуқуқлар ва олдин қабул қилинган мажбуриятлар сақланган ҳолда ўзгартирилган юридик шахсга ўтади. Бунда давлат рўйхатига олингандан сўнг ўн кун муддатда юридик шахс резидентларнинг ягона реестрига ва бошқа ҳужжатларга ўзгартириш киритиш учун ёзма равишда бошқарув компаниясига мурожаат қилади. Бундай тартиб юридик шахснинг номи ўзгарганда ҳам қўлланилади.

Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ёки номи ўзгариши тўғрисидаги хабарномаси асосида бошқарув компанияси резидентларнинг ягона реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади ва Давлат солиқ қўмитасига ва Давлат божхона қўмитасига, юридик шахсга хизмат кўрсатувчи тижорат банкига юридик шахснинг технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида хабарнома юборади.

#### **9-боб. Юридик шахсни технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилишнинг асослари ва тартиби**

44. Қуйидагилар технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилишнинг асоси ҳисобланади:

резидентнинг амалдаги фаолияти технопарк фаолияти турларига мувофиқ эмаслиги;

бошқарув компанияси билан тузилган технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик;

технопарк резидентининг ночор (банкрот) деб эътироф этилиши;

технопарк резиденти резидент мақомидан ўз хоҳиши билан воз кечиши;

ўз фаолияти, солиқ ва статистика ҳисоботлари, бизнес-режа, шунингдек, аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тўғрисидаги маълумотлар белгиланган муддатларда тақдим этилмаганлиги ёки уларда ишончсиз маълумотлар тақдим этилганлиги;

юридик шахс қайта ташкил этилганлиги;

инновацион лойиҳанинг муддати тугаб, дастлабки уч ой давомида бошқарув компаниясига амалга ошириш режалаштирилаётган инновацион лойиҳа тақдим этилмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқа асослар.

45. Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор бошқарув компанияси томонидан қабул қилинади. Қарор қабул қилингандан кейин юридик шахсга бу ҳақда хабар юборилади ҳамда Резидентларнинг ягона реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Технопарк резиденти, бошқарув компанияси томонидан резидент мақомидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг резидент 10 иш кунидан кам бўлмаган вақтда ўз эътирозлари билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Суд қарори чиққунига қадар бошқарув компанияси қарори тўхтатилиб турилади.

46. Бошқарув компанияси юридик шахснинг технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилингани тўғрисидаги ёзувни Резидентларнинг ягона реестрига киритган кундан бошлаб уч иш куни ичида Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва юридик шахсга хизмат кўрсатувчи тижорат банкига хабар беради.

#### **10-боб. Технопарк резидентлари учун солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби**

47. Технопарк ва унинг резидентларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 30 июндаги ПФ–5099-сон Фармонининг 5-банди билан IT-парк резидентларига берилган имтиёзлар (ижтимоий солиқдан ташқари) ва преференциялар 2022 йил 1 августдан бошлаб татбиқ этилади.

Ушбу бандда назарда тутилган имтиёзлар:

солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича – юридик шахс резидентларнинг ягона реестрига киритилган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб;

божхона тўловлари бўйича – божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатининг комплекс экспертизаси яқунлари бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг ижобий хулосаси олинган кундан бошлаб;

барча имтиёзлар – юридик шахснинг фаолият тури бир нечта йўналишда бўлган тақдирда, айнан унга резидентлик мақоми берилган ишлаб чиқариладиган/чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатадиган (кўрсатаётган) хизмати учун қўлланилади.

48. Юридик шахс технопаркнинг резиденти мақомидан маҳрум этилганда, куйидаги имтиёзлардан:

солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича – резидент мақоми бекор қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан;



Божхона тўловлари бўйича – резидент мақоми бекор қилинган кундан бошлаб фойдаланмайди.

Юридик шахснинг технопарк резиденти мақомидан ўз хоҳиши билан воз кечиши санаси юридик шахснинг аризаси бошқарув компаниясига келиб тушган сана ҳисобланади.

49. Технопарк резиденти томонидан божхона тўловларидан озод қилинган товарлардан эркин муомалага чиқарилган санадан бошлаб уч йил мобайнида ўз эҳтиёжларидан ташқари фойдаланганлиги ҳолатлари аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари ушбу резидент – солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текширувини ўтказиш чоғида аниқланган ҳолатлар тўғрисида тегишли ҳужжатлар тузади ва уларни уч иш куни ичида давлат божхона хизматининг ҳудудий органларига юборади.

Ўз эҳтиёжларидан ташқари фойдаланилган олиб кирилган товарлар улушига тўғри келадиган божхона тўловлари бўйича имтиёзлар суммаси белгиланган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилиши зарур.

#### **11-боб. Яқунловчи қоида**

50. Технопарк фаолиятини қайта ташкил этиш ва тўхтатиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**Инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркининг стартап лойиҳаларни  
танлаб олиш ва молиялаштириш ишини ташкил этиш  
СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Чора-тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддатлари</b>
<b>1-босқич</b>	Стартап лойиҳа ташаббускори (жисмоний ёки юридик шахс)	Стартап лойиҳанинг инкубация ёки акселерация дастурида иштирок этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда бошқарув компаниясига ариза беради.	Бошқарув компанияси томонидан белгиланган муддатларда
<b>2-босқич</b>	“Inno” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки бошқарув компанияси (бошқарув компанияси)	1. Ариза ва ҳужжатларни қабул қилади, техник экспертизадан ўтказади ҳамда Эксперт комиссиясига тақдим этади. 2. Зарур бўлганда ҳужжатлар камчиликларни бартараф этиш учун ариза берувчига қайтарилиши мумкин.	10 иш куни мобайнида
<b>3-босқич</b>	Эксперт комиссияси	1. Бизнес-режани экспертизадан ўтказиши, экспертиза натижаларига кўра Бошқарув компаниясига тегишли хулоса беради. 2. Зарур бўлганда якуний қарорга келиш мақсадида ариза берувчини бизнес-лойиҳа тақдимотини ўтказиш учун таклиф қилади.	Бошқарув компанияси томонидан белгиланган муддатларда
<b>4-босқич</b>	Бошқарув компанияси, стартап лойиҳа ташаббускори (жисмоний ёки юридик шахс)	1. Қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда стартап-лойиҳанинг инкубация ёки акселерация дастурида иштирок этиши бўйича битим тузади. 2. Стартап лойиҳа ташаббускори (жисмоний ёки юридик шахс) лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағлари мавжуд бўлса, инкубация ёки акселерация дастурида қатнашмасдан тўғридан-тўғри Технопаркда резидент сифатида қабул қилиниши мумкин.	Бошқарув компанияси томонидан белгиланган муддатларда
<b>5-босқич</b>	“Inno” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки дирекцияси, стартап лойиҳа ташаббускори	Келгусида молиялаштириш масаласини кўриб чиқиш учун стартап лойиҳа маҳсулотлари (хизматлари) намоёнишини ўтказиши.	Акселерация дастуридан ўтиш якунлари бўйича

<b>6-босқич</b>	Бошқарув компанияси	Буюртманомани молиялаштириш учун буюртманомани стартап лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш мезонларига мувофиқ Эксперт комиссиясига юборади.	Стартап лойиҳа намоиши яқунларига кўра
<b>7-босқич</b>	Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳайъати	1. Лойиҳаларни кўриб чиқади ва баҳолайди. 2. Ижобий баҳо берилган тақдирда, лойиҳани молиялаштириш учун тавсия этади.	7 иш куни ичида 3 иш куни ичида
<b>8-босқич</b>	Инновацион ривожланиш вазирлиги, бошқарув компанияси, стартап-лойиҳа ташаббускори	Стартап лойиҳани молиялаштириш ва кўллаб-қувватлаш шартлари тўғрисида уч томонлама шартнома тузилади.	5 иш куни ичида

**Инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркининг резидентларни  
рўйхатга олиш ишини ташкил этиш  
СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Чора-тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддатлари</b>
<b>1-босқич</b>	Ариза берувчи (юридик шахс)	Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олиш учун тасдиқланган шакл бўйича зарур бўлган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда Бошқарув компанияга ариза беради.	Доимий
<b>2-босқич</b>	Бошқарув компанияси	1. Ариза ва ҳужжатларни қабул қилади, техник экспертизадан ўтказди ҳамда Эксперт комиссиясига тақдим этади. 2. Зарур бўлганда ҳужжатлар камчиликларни бартараф этиш учун ариза берувчига қайтарилиши мумкин.	10 иш куни ичида
<b>3-босқич</b>	Эксперт комиссияси	1. Бизнес-режани экспертизадан ўтказди, экспертиза натижаларига кўра Бошқарув компаниясига тегишли хулоса беради. 2. Зарур бўлганда якуний қарорга келиш мақсадида ариза берувчини бизнес-лойиха тақдимотини ўтказиш учун тақлиф қилади.	Белгиланган муддатларда
<b>4-босқич</b>	Ариза берувчи	Рўйхатга олиш рад этилган тақдирда, Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олишни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабабларни бартараф этади ҳамда аризага Низомда белгиланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кўриб чиқиш учун ҳужжатларни қайтадан киритади.	Заруратга кўра
<b>5-босқич</b>	Бошқарув компанияси	1. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва резидент сифатида рўйхатга олиш (ёки рўйхатга олишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилади. 2. Рўйхатга олиш рад этилганда Бошқарув компаниясининг қароридан рад этишнинг асосини кўрсатади ва ариза берувчига ушбу қарордан кўчирма тақдим этади.	Ариза тушган кундан кейин 5 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда
<b>6-босқич</b>	Бошқарув компанияси	1. Рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Резидентларнинг ягона реестрига тегишли ёзувларни киритади ва юридик шахснинг рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома беради. 2. Давлат солиқ кўмитасига, Давлат божхона кўмитасига ва юридик шахсга хизмат кўрсатадиган тижорат банкига расмий билдиришнома юборади.	Қарор қабул қилинган кундан кейин 5 иш куни ичида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “15” октябрдаги 606-сон қарорига  
2-илова

**2023–2026 йилларда Жиззах, Бухоро, Наманган ва Нукус шаҳарларида  
“Inno” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркларини  
босқичма-босқич ташкил этиш ва жойлаштириш  
РЕЖА-ЖАДВАЛИ**

<b>Т/р</b>	<b>Худуд номи</b>	<b>Жойлашиш манзили</b>	<b>Амалга ошириш муддати</b>
1.	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри, Ҳ.Носиров кўчаси 3-а уй манзилидаги 0,7 га ер майдонида	2023 йил
2.	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри, “Bukhara City” замонавий турар жой ва бизнес маркази мажмуаси ҳудудидаги 1,8 га майдондан иборат 49-лотнинг 1,0 га ер майдонида	2024 йил
3.	Наманган вилояти	Наманган шаҳри, Давлатобод тумани, Ўрзу МФЙ “Янги Наманган шаҳарчаси” ҳудудидан 1,0 га ер майдонида	2025 йил
4.	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри, “Жана базар” МФЙ ҳудудидан 1,5 га бўш ер майдонида	2026 йил

